

## **ИНТЕЛЛЕКТУАЛ, ИЖОДКОРЛИК ҲАМДА КРЕАТИВЛИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИ**

А.А.Тўйчиев

Гулистан давлат университети катта ўқтувчиси

Жўрақулова Хайтгул Абдужалил қизи

Гулистан давлат университети Педагогика факултети Технологик таълим  
йўналиши 2-курс талабаси

Темирова Фарангис Баҳриддин қизи

Гулистан давлат университети Педагогика факултети Технологик таълим  
йўналиши 2-курс талабаси

### **Аннотация**

Ушбу мақолада ўқувчиларда интеллектуал,ижодкорлик криативли қобилиятларни ривожлантириш ҳақида маълумот берилган.

**Калит сўзлар;** креативлик,ижодкорлик,интеллектуал,қобилят,муаффақиятли таълим,тажриба,кўникма,малака,глабаллашув.

Шахс қобилиятларини ташхис қилишнинг ўзига хос муҳим жиҳати унинг ёрдамида бир уринишда қатор муаммолар ечимини топиш имкониятининг юзага келиши билан белгиланади, зеро, қобилиятлар барча фаолият турларига хос бўлиб, унинг муваффақиятли амалга оширилишида муҳим салмоқقا эга бўлади.

Бу борадаги масалаларни ҳал қилишда Г.Перкинс томонидан таклиф қилинган «интеллектуал чегара» назарияси кенг оммалашган бўлиб, у ўтказилган кўплаб корреляцион тадқиқотлар натижасида ҳар қандай фаолият турини эгаллаш учун зарурӣ ва етарли интеллектуал даражада талаб қилинишини таъкидлайди. Агар индивиднинг интеллект даражаси зарур даражадан паст бўлса, у бу турдаги фаолият билан тўлақонли шуғуллана олмайди, бироқ, интеллектнинг зарур даражадан юқори бўлиши қўшимча самара бермайди. Интеллект даражаси «чегара»дан юқори бўлган шахслар фаолиятининг унумдорлигидаги фарқлар мотивация, шахс хислатлари ва бошқа шу каби омиллар билан изоҳланади, бироқ, бу фарқ интеллект даражасидаги тафовутни

ифодаламайди. Асосийси, бу ҳодисани барча фаолият турлари (мехнат, таълим ва бошқалар) да кузатиш мумкин.

Д.Гильфорд, Е.П.Торренс, Д.Б.Богоявленскаялар томонидан таклиф этилган креативлик концепцияси ҳам юқорида қайд этилган юқоридаги ўхшашиб маъно касб этади. Улар креативликни шахснинг умумий қобилияти сифатида, фаолият кўрсатиш соҳасидан қатъий назар, ижодий маҳсулдорликка катта таъсир кўрсатувчи омил сифатида қарайдилар.

Ниҳоят, таълим муассасалари фаолиятининг самарадорлигини прогнозлашда кўпчилик психологлар интеллект ва креативлик даражасидан қатъий назар умумий қобилият тури сифатида қабул қилинувчи ўрганувчанликни билиб олишнинг муваффақиятли амалга ошишини таъминловчи муҳим омил сифатида қайд этганлар. Маълумки, креативлик ва муваффақиятли таълим олишнинг ўзаро боғлиқлиги анча кам, яна эмпирик тадқиқотлар натижалари шуни таъкидлайдики, аълочи ўқувчи ва ижодкор ўқувчининг шахсий сифатлари ўзаро жиддий фарқ қиласди.

Умумий қобилияtlар тузилмасига интеллект, креативлик ва ўрганувчанликни киритишида биз когнитив жараёнларнинг уч таркибли моделига асосландик. Бунга кўра, ҳар қандай когнитив жараён ўзида когнитив тажрибани ўзлаштириш, кўллаш ва ўзгартиришни мужассамлаштириши лозим. Тажриба ўзлаштируванини амалга оширувчи қобилиятни ўрганувчанлик билан, тажрибани кўллаш самарадорлигини умумий интеллект билан, уни ўзгартиришни креативлик билан изоҳлаш мумкин.

Тадқиқотларимиз нуқтаи назаридан интеллект ва креативликнинг ўзаро муносабатини белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Бу масалада дастлаб, Д.Гильфорд креативликнинг тузилмасига дивергент фикрлашдан ташқари ўзгаришлар ясаш, масалани ҳал қилиш аниқлиги ва шу каби бошқа интеллектуал кўрсаткичларни киритган. Бу билан интеллект ва креативлик ўртасидаги алоқанинг ижобий тавсифда эканлиги тўғрисидаги қонуният қарор топди. Д.Гильфорднинг тажрибаларида юқори интеллект даражасига эга бўлган синалувчилар тестларни ечишда ўз ижодкорлигини намоён қила олмасликлари, бироқ паст интеллектуал даражага эга бўлган креатив шахслар бўлмаслиги аниқланган.

Е.П.Торренс далилий материаллар асосида интеллект ва креативлик ўртасидаги муносабат моделини қуйидагича белгилади: ИҚ қўрсаткичи 120 баллгача бўлганида умумий интеллект ва креативлик ягона омилни ташкил

қилади, ИҚ құрсаткичи 120 баллдан юқори бўлса креативлик интеллектга боғлиқ бўлмаган омилга айланади.

Кейинчалик Н.Коган ва М.Воллах, Д.Гильфорд ҳамда М.Воллах томонидан ўтказилган тажриба-синов ишларидаги тестларни ўтказиш тартибини танқидий таҳлил қилиб, тест ўтказиш вазиятини ўзгартирдилар (мусобақалашиш бекор қилинди, вазифани бажаришда вақт чеклови олиб ташланди, аниқлик мезонидан воз кечилди) ва натижада креативлик ва интеллект омилларининг ўзаро боғлиқ эмаслигини қўрсатувчи маълумотларни олдилар.

Россия Фанлар Академиясининг Психология институтини қобилиятлар психологияси лабораториясида ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра кутилмаган зиддиятли боғлиқлик аниқланди, яъни: бошқа барча синалувчиларга нисбатан юқори креативликка эга бўлган шахслар репродуктив фикрлашга йўналтирилган масалаларни (уларга интеллектни аниқловчи барча тестларни киритиш мумкин) ҳал қилишда ортда қолиб кетар эканлар.

Универсал адаптацияланиш қобилиятини ифодаловчи интеллектуалликка қарама-қарши равишда креативлик мезонига кўра креатив шахс амалда содда интеллектуал масалаларни ҳал қила олмаслиги маълум бўлади (ижодкорлик ва адаптациянинг ўзаро зидлиги).

Интеллект ва креативликнинг ўзаро муносабатлари Е.Л.Григоренко томонидан янада чукурроқ ўрганилган. У мажмуавий фикрлаш масалаларини ҳал қилишда индивид томонидан юзага келтириладиган фаразлар миқдорини аниқлашга муваффақ бўлди. Ушбу миқдор Е.П.Торренс методикаси бўйича креативлик билан корреляцияланади, ечимларнинг тўғрилиги эса Д.Векслер бўйича умумий интеллект даражаси билан ижобий корреляцияланади.

Демак, креативлик ва умумий интеллект фикрлашга оид масалаларни ҳал қилиш жараёнини белгилаб берувчи, бироқ унинг турли босқичларида турли даражадаги аҳамият касб этувчи қобилиятлар ҳисобланади. Тадқиқотлар натижасида олинадиган креативлик ва интеллект кўрсаткичларининг корреляцияси қўп жиҳатдан ташхислашни ташкил қилиш методикасига боғлиқ бўлади.

Д.Гильфорд ва Е.П.Торренс томонидан ўтказилган тажриба-синов ишларидаги креативлик тестларини интеллект тестларидан фарқловчи ягона шарт киритилди: синалувчи масалага ҳар қандай вариантда ва исталган миқдордаги

жавобларни бериши мумкин эди. Масалани ҳал қилиш учун белгиланган вақт чегараланган бўлиб, вазифа синаувчи томонидан танланиб ёки жамлаб олинмасдан, тажриба ўтказувчи томонидан бериб борилган, баҳолаш аниқлиги ва тест меъёрлари киритилган ва ҳ.к.

Н.Коган ва М.Воллах томонидан вақт чеклови олиб ташланиб, мусобақалашув ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ўйин контекстига креативлик ташхисини киритиш натижасида, креативлик ва интеллект ўртасидаги корреляция нолга яқин бўлиб қолиши аниқланган.

Қайд этиш жоизки, интеллект ўз табиатига кўра мослашувчан бўлиб, ўзаро бир хил вазиятда вазифалар гурухининг нотўғри ҳал этилишини аниқлаш интеллектининг паст даражада эканлигини кўрсатади. Бироқ, абсолют тўғри ечимни топиш нафақат интеллект даражаси билан, балки синаувчининг машқ қилганлик даражаси (тест топшириш лаёқати), тасодифийлик, «маданиятни ўзлаштирганлиги», жавобларни ўргатиш ва бошқалар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шунингдек, яна синаувчи ва тажриба ўтказувчи ўртасидаги мулоқот вазияти қўшимча омилларнинг аҳамиятини, мисол учун айни вазиятдаги безовталикни ошириши ва бу билан тест натижаларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шахс қобилиятларини синаб кўришда интеллект тестлари салбий муайян нуқтаи назарга кўра салбий маънода ишлайди: ақлий қобилиятларнинг меъёрдан орқада қолишини яхши табақалаштириб, намоён қилади ва интеллектуал иқтидорнинг юқори даражаларини етарли аниқлиқда кўрсата олмайди.

Иккинчи томондан, умумий ижодкорлик қобилиятларнинг ифодаси сифатида креативлик адаптацияга хизмат қилмайди, яъни тест синовларининг белгилаб қўйилган вазиятларида креативликка эга бўлган индивид уни намоён қилмаслиги мумкин, чунки қўйилган вазифани ҳал этиш адаптив фикр юритиши кўзда тутади. Ушбу вазият гоҳида тадқиқотчилар томонидан аниқланадиган интеллект билан креативлик ўртасидаги ўзаро мувофиқликни изоҳлайди. Креативликка оид масалаларни ечишдаги ижодий маҳсулдорлик ижодкорлик қобилиятини намоён қила олишни ифодалайди, бироқ масалаларни ечишда креативликнинг намоён бўлмаслиги синаувчининг ижодкорлик қобилиятига эга эмаслигини англашмайди.

Ташхис ишларини ташкил қилишда синаувчи хулқини регламентациялаш даражалари бўйича тестларни қўлласак, бир кутбида тезкор интеллект,

иккинчи қутбда креативликни аниқлашнинг ўйинли методикаси жойлашган шкалага эга бўламиз.

Креативликни синааб кўриш учун С.Медникнинг РАТ тестидан фойдаланилганда мусобақалашувчанлик ҳамда вақт бўйича чегаранинг олиб ташланиши шахс креативлигига ижобий таъсир кўрсатиши тасдиқланган. Бироқ паст креативликка эга бўлган синаловчиларда вазият ўзгаришининг таъсири деярли сезилмаган, турли шароитларда уларнинг қўрсаткичлари сезиларли даражада ўзгармаган.

Креативликни ташхис қилувчи методикалар одатда, синаловчини ўзига хос, оригинал, кўп варианти, турли-туман жавобларни беришга ундовчи йўриқномага эга бўлади. Бу каби вазиятлар креативликни намоён қилишга қулай шароит яратади деб ҳисобланади. Бироқ, асосида ташқи эмас, балки ички – ўз имкониятларини рўёбга чиқариш мотивациясига асосланувчи ижодий жараённинг моҳияти шахс фаоллигининг субъектлигига, яъни вазиятга боғлиқ бўлмаган фаолликка асосланади.

Ўқувчи шахсининг интеллектуал ҳамда ижодкорлик сифатларининг ўзаро муносабатларига доир мулоҳазаларимизни умумлаштириб айтиш мумкини, ижодкор шахс сифатларининг ташқи намоён бўлиши спонтанлик характерига эга ва вақт бўйича чекловнинг олиб ташланиши улар қобилиятларининг намоён бўлишига олиб келади, ташқи мотивация улар креативлигининг намоён бўлишига таъсир кўрсатмайди. Куйи дарражадаги креативликка эга ўқувчиларда ижодкорлик сифатларининг мавжуд бўлмаслигини ташқи мотивация билан бартараф этиб бўлмайди, яъни турли чегараларнинг олиб ташланиши йўқ сифатларнинг намоён бўлишига олиб келмайди.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.:Ўзбекистон. 1997.
2. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. –Т.: Ўзбекистон, 2002.
3. Баркамол авлод орзузи F Тузувчилар Қурбонов Ш.Э. ва б. -Т.: Шарқ. 1998. 184 б.
4. Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатининг янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари

тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. -Т.: Тошкент оқшоми, 1997 йил 2 апрель.

5. Беспалъко В.П. Педагогика и прогрессивнүе технологии обучения. -М.: 1995.
6. Булатов С.С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. –Т.: Мехнат, 1991.
7. Мехнат таълимидан умумий ўрта таълим мактаблари учун давлат таълим стандартлари FF Таълим тараққиёти ж. ИВ маҳсус сон. 1999. 288-305 б.
8. Мехнат таълимидан умумий ўрта таълим мактаблари учун дастур. Дастур. FF Таълим тараққиёти ж. ИВ маҳсус сон. 1999. -306-382 б.
9. Морозов А.А., Чернилевский Д.В. Креативная педагогика и психология. – М.Академический проект, 2002. 561 с.
10. Нишоналиев У.Н. Формирование личности учителя трудового обучения: проблемў и перспективў. - Т.: ФАН. 1990. - 85 с.
11. Нишонова С. Шарқ Уйғониш даври педагогик фикр тараққиётида баркамол инсон тарбияси. Пед. фан.док.... дисс. –Т.: ЎзПФИТИ. 1998. – 228 б
12. Нозилов Д. Ўрта Осиё дизайнни тарихидан, –Т.: Ўзбекистон, 1998.
13. Опўт компьютерной педагогической диагностики творческих способностей F Науч.ред. В.И.Андреев. –Казан: Изд. Казанского университета,1989. -144 с.
14. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. Қарши. Насаф. 2000. -118 б.
15. Педагогика курси. И.Турсунов, У.Н.Нишоналиев. -Т.: Ўқитувчи. 1997. – 208 б.